

*Китоб ва китобшунослик илми жуда қадим тарихга эга. Китобшунослик илми “библиография” деб аталиб, бу сўз илк бор қадимги Грецияда қўлланган. Библиография сўзма-сўз таржима қилинганда *biblion*—“китоб”, *grapho*—“ёзман” деган маънони англатади. Китоб нашр этиш иши бошлангунга қадар, бу тушунча китобни ёзиш, кўчириб ёзиш маъносида қўлланган. Авваллари бу иш қўл меҳнати билан амалга оширилган бўлиб, улар *bibliograflar* деб аталган.*



Маънавият ва маърифат маскани

Ер юзидаги биринчи кутубхоналар эраминдан аввалги учинчи мингйилликда Қадимги Шумерда пайдо бўлган. Лой-табличкалардаги клин ёзуви катта ёпиқ қути ва саватларда сақланган. Қадимги Мисрдаги Эдфу шаҳрида “Папирус уйи” номли кутубхона бўлган. Унинг биноси ҳозир ҳам мавжуд ва қўлёзмаларининг бирортаси йўқолмаган.

Шарқда ҳам кутубхонашунослик ва китоб илми юксак даражада ривож-

алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир 14та ахборот-кутубхона ва 2863та ахборот-ресурс маркази, 9 мингдан ортиқ кутубхоналар самарали фаолият юритмоқда. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси бунёд этилгани ҳам соҳага қаратилган юксак эътибор намунасидир. 6,5 миллиондан ортиқ китоб фондида эга мазкур маърифат масканида

маълумотларни узатувчи ҳамда қабул қилувчи ахборот-электрон кутубхона марказларига айлантирилди. Соҳага замонавий компьютер ва мультимедиа технологиялари жорий этилиб, зарур адабиётлардан электрон шаклда фойдаланиш йўлга қўйилди. Кутубхоналар фаолиятига инновацион ишланмалар, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва услублари жорий этилди. Китоб фондиди мунтазам яхшилаш ва бойитиш, илмий-маърифий, бадий адабиётларнинг электрон шакллари яратиш, тезкор ва сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ахборот-кутубхона муассасаларининг фондларини шакллантириш ва ягона ахборот тизими орқали бирлаштириш, сақланишини таъминлаш, мамлакатимиз ва хориж кутубхоналари фондидаги маълумотлар базасидан масофада туриб фойдаланишни такомиллаштириш, илғор дастурий маҳсулотларни тизимли жорий этиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ишлар йўлга қўйилди.

Кутубхона фаолияти ҳақида гап кетганда, унинг муштарак мақсадлар манзили дея таърифланиши бежиз эмас. Бу манзилга катта-кичик, ёшу қари бирдек талпинди. Бугун юртимиздаги кутубхоналарнинг ёшлар, китобхонлар билан гавжум экани улар том маънода маънавият ва маърифат ўчоғига айланганидан далолат.

Дилдора УРАКОВА,
Тошкент педагогика
коллежи ўқитувчиси

Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлгон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малол етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан гийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм муҷассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам: “Китоб ақл қалъасидир”, деганлар.

Мухаммад Жабалрудий

ланган. Хусусан, ўрта асрларда кутубхоначилик ва китоб ёзиш илми санъат даражасига кўтарилган. Биргина Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасидан китоб ёзиш илмини санъат даражасида юксалтирган ўндан ортиқ хаттотлар етишиб чиққан. Улар қўлёзма китоблар яратиш, яроқсизларини таъмирлаш ва ноёб китобларнинг нусхаларини кўпайтириш билан шуғулланган. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида аждодларимизнинг бебаҳо мероси бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

Истиқлол йилларида кутубхоналар фаолиятини такомиллаштиришга

миллий ва хорижий ахборот-кутубхоналарида сақланаётган адабиётлардан кенг фойдаланишда китобхонларга юксак даражада хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Соҳани янада ривожлантириш, аҳолини ахборот-кутубхона билан таъминлаш, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатдан такомиллаштиришга доир бир қатор қарор ва қонунлар асосида юртимиздаги мавжуд кутубхоналар жаҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланиб, замонавий техника воситалари — телекоммуникация ҳамда интернет тармоқлари воситасида зарур